

## ОИЛАВИЙ ТАРБИЯ ВА ОИЛАВИЙ МУНОСАБАТЛАРНИНГ ЭТНОПСИХОЛОГИК ЖИХАТЛАРИ

**Б.Қодиров**

психология фанлари доктори, профессор

**О.Асқарова**

ФарДУ магистранти

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7411157>

**Аннотация.** Ушбу мақолада оила кишиларнинг тарбиявий, иқтисодий, ҳуқуқий, маънавий муносабатларга асосланган ижтимоий бирлиги эканлиги баён қилиниб, ёшларни оилавий ҳаётга тўғри тайёрлаш унинг мустаҳкам бўлиши асоси эканлиги тўғрисидаги айрим фикр-мулоҳазалар билдирилган.

**Калит сўзлар:** оила, жамият, ижтимоий тузилма, бола тарбияси, инсон камолоти, соғлом ва барқарор ҳаёт, никоҳ, қариндошчилик алоқалари, турмуш фаровонлиги, оилавий муносабатлар.

## ЭТНОПСИХОЛОГИЧЕСКИЕ АСПЕКТЫ СЕМЕЙНОГО ВОСПИТАНИЯ И СЕМЕЙНЫХ ОТНОШЕНИЙ

**Аннотация.** В данной статье утверждается, что семья является социальной ячейкой, основанной на воспитательных, экономических, правовых и духовных отношениях людей, и высказываются мнения о том, что правильная подготовка молодежи к семейной жизни является основой ее укрепления.

**Ключевые слова:** семья, общество, социальная структура, воспитание детей, человеческая зрелость, здоровая и стабильная жизнь, брак, родственные отношения, благополучие жизни, семейные отношения.

## ETHNOPSYCHOLOGICAL ASPECTS OF FAMILY EDUCATION AND FAMILY RELATIONS

**Abstract.** This article argues that the family is a social unit based on the educational, economic, legal and spiritual relations of people, and opinions are expressed that the correct preparation of young people for family life is the basis for its strengthening.

**Keywords:** family, society, social structure, upbringing of children, human maturity, healthy and stable life, marriage, family relations, well-being of life, family relations.

### Кириш

Оила – жамиятнинг бирламчи бўғини ҳисобланиб, у фуқаролик жамиятининг таянч нуқтаси, барқарор ва тинч тузилмасидир. Бу муқаддас даргоҳда нафақат инсон дунёга келади, балки у маънавий ва ахлоқий тарбия ҳам топади. Зеро, президентимиз Ш.М.Мирзиёев айтганларидек, таълим-тарбия энг аввало оиладан бошланиши барчамизга яхши маълум. Бола оилада уйини, боғча ва мактабда эса ватанини танийди[1:157].

Оила кишиларнинг тарбиявий, иқтисодий, ҳуқуқий, маънавий муносабатларга асосланган ижтимоий бирлиги ҳисобланиб, у қанчалик мустаҳкам бўлса, жамият ҳам шунчалик мустаҳкам бўлади ва тез ривожланади. Жамият асоси – оиланинг моддий ва ижтимоий жиҳатдан мустаҳкамланиб бориши муҳим аҳамиятга эга.

Оила – жамият ҳимоясида. Биз қураётган инсонпарвар демократик-ҳуқуқий давлат ва адолатли фуқаролик жамиятида оила ўзига хос ижтимоий бирлашмани ташкил этиб, унинг асосий хусусияти жамият манфаатлари билан боғлиқлиги ижтимоий вазифаларда

ифодаланади. Мамлакатимизда ҳар бир оила ва ҳар бир инсоннинг турмуш фаровонлигини, фуқаролар тотувлигини мустаҳкамлашга қаратилган дастурий мақсадларга асосланиб фаолият юритилмоқда. Бугунги кунда республикамизда ўн мингдан ортиқ маҳалла ва қишлоқ фуқаролар йиғинлари оилалар билан жамоатчилик асосида ташкилий ва оммавий ишларни олиб борган ҳолда оилаларни сақлаб қолиш ва уларни мустаҳкамлашга, вояга етмаган болалар манфаатларини ҳимоя қилишга ўз хиссаларини қўшиб келмоқдалар[8].

Оила – бу жамиятдаги соғлом ва барқарор ҳаёт тарзи вужудга келишининг асосидир. Соғлом ва баркамол оилани ривожлантириш ҳамда оилаларда маънавияти кучли, етук шахсларни камол топтириш масаласи мамлакатимиз истиқлолининг биринчи кунларидан бошлаб энг устувор вазифалардан бири бўлиб келмоқда. Оилалар қанчалик мустаҳкам ва барқарор бўлса, уларда юксак маънавий-ахлоқий тамойиллар бўйича ёшлар тарбияланса, шунчалик тез мамлакатимизда фуқаролик жамияти қурилиши учун замин яратилади. Жамиятдаги маънавий ахлоқий муҳитнинг соғломлиги кўп жиҳатдан оилавий маданият ҳамда маҳаллада олиб бориладиган тарбиявий таъсирга боғлиқдир. Илмий-педагогик, психологик, физиологик ҳамда фалсафий асарларнинг таҳлили шуни кўрсатадики, оила бола учун энг муҳим тарбиявий муҳит бўлиб, бу муҳитда шахс камолоти учун муҳим ҳисобланган хулқ-атвор, ирода ва дунёқараш шаклланади[2:3-4].

### **Адабиётлар таҳлили ва методология**

Оила ҳар бир аъзосининг шахсий бахт саодатини таъминлаши, давлатнинг, жамиятнинг ҳар томонлама етук, баркамол шахсни вояга етказиши омилларига, хусусиятларига эга бўлиши керак.

Буюк алломаларимиз Маҳмуд Кошғарий, Аҳмад Югнакий, Кайковусдан тортиб Беруний, Ибн Сино, Форобий, Алишер Навоий, Мирзо Улуғбек ва бошқаларгача ўз асарларида оилавий масалалар, хусусан, оила аъзолари ўртасидаги ўзаро муносабатлар, бола тарбиясида ота-она, бобо-бувининг ўрни, комил ва ватанпарвар шахсни етиштиришда бу муҳим ижтимоий институтнинг ролига алоҳида ёндашиб, ибратли ҳикоятлар, ривоятлар, фарзандларга мактублар, ҳикматли сўзлар, шеърӣ сатрлар орқали панднасихатлар, ҳаётӣ хулосалар ёзиб қолдирганлар.

Маҳмудхўжа Бехбудӣ, Абдурауф Фитрат, Абдулла Авлоний, Абдулла Қодирий, Чўлпон, Мунавварқори Абдурашидхонов каби маърифатпарварларимиз ҳам одоб-ахлоқи гўзал, жисмонан ва маънан етук авлодни тарбиялашнинг ягона йўли — барқарор оила қуриш эканини, оилани мустаҳкамламасдан давлат ва жамият тараққиётига эришиб бўлмаслигини таъкидлашган.

Оила ва никоҳ ҳамма вақт гуманитар фанларни қизиқтириб келган соҳа. Айниқса, бу соҳанинг ижтимоий психология учун ўзига хослиги бор. Чунки, ижтимоий психология оилани ўзига хос ижтимоий гуруҳ сифатида текшириб, унда содир бўладиган барча руҳӣ жараёнларни ўрганади. Республикаимизда оила ва никоҳ масалаларига эътиборнинг катталигини ҳисобга олиб, кўпчилик тадқиқотчилар – М.Мирхосилов, Р.Абдуллаева, В.Каримов, Г.Б.Шоумаров, М.Расулов, С.Соғинов, Ш.Маҳкамова, О.Тураева, М.Исаева ва бошқалар ўз илмӣ изланишларини ана шу муаммога бағишлаганлар.

### **Натижалар**

Оила одамлар ҳаётининг ижтимоий ташкилоти сифатида масъулият, ўзаро фаолият ва ўзаро ёрдам асосида шаклланади. Шунингдек, оила ижтимоий-маданий тизим бўлиб,

унинг тузилиши уч даражадан иборат: биринчи даража – ижтимоий бўлиб, у ерда ижтимоий институт функцияларини бажаради; иккинчи даража – кичик ижтимоий гуруҳ бўлиб, унда у умумий фаолият субъекти ва жамоавий онгнинг ташувчиси сифатида ишлайди; учинчи даража – бу шахсият, бу ерда оила инсоннинг биологик, ижтимоий ва маънавий эҳтиёжларини қондиришга хизмат қилади [4:75].

Оила ижтимоий ҳамжамият сифатида ноёб ижтимоий ҳодиса сифатида жамиятнинг тарихий ривожланишининг субъекти бўлиб, айна пайтда ижтимоий тузилмадир. Ижтимоий тузилма сифатида оила учта кўринишда намоён бўлиши мумкин: никоҳ, қариндошлик ва бирлаштирилган шахслар тўплами сифатида [3:51].

Оила асосини эркак билан аёл ўртасида никоҳ бирлиги ташкил этади. Оила фақат эркак билан аёл муносабатини эмас, балки эр билан хотин, ота-оналар билан болалар муносабатини ифодалайди.

Оила – қариндошчилик алоқалари, қондошчилик ҳис-туйғулари орқали боғланган инсон (индивид)ларнинг ижтимоий, маънавий, рухий, иқтисодий эҳтиёжларини биргаликда қондирувчи кичик гуруҳдир [6:82].

Оила жамият бағрида ташкил топади, тараққий этиб борар экан, ўзи ана шу жамиятнинг кичик бир бўлаги сифатида намоён бўлади. Жамиятдаги ижтимоий-иқтисодий муносабатлар, оила тараққиётига таъсир этади. Оилада таълим-тарбия хусусиятлари эса жамиятда ўз аксини топади. Шунинг учун ҳам, оила ва жамият ўзаро боғлиқ ҳолда тараққий этиб ривожланади [7].

## **Муҳокама**

Оилавий турмуш билан жамият тараққиётининг доимий муштарақлиги туфайли жамият тараққиётининг барча даврларида ҳам оилавий муаммолар унинг илғор вакиллари диққат-эътиборида бўлган. Оилавий ҳаёт жамият тараққиётида ва фарзандларнинг камолотида учун шу қадар муҳимки, худди шу боис уни бирор сония ҳам диққат-эътибордан четда қолдириб бўлмайди.

Психолог ва социологларнинг текширишларига қараганда, оилавий тарбия камчиликлари турли-туман эканлиги далиллаб кўрсатилган, уларни келтириб чиқувчи сабаблар ҳамда илдизлар очилиб берилган.

Болаларга катталар томонидан диққат эътиборнинг етишмаслиги;

Фарзандлар билан мулоқатга киришиш истагининг мавжуд эмаслиги ёки хоҳишининг йўқлиги;

Ота-оналар билан фарзандлар ўртасида ўзаро тушунишнинг йўқлиги ва унга икки томонлама интилишнинг етишмаслиги;

Ота-оналарнинг ўғил ва қизларига нисбатан кўпол муомалада бўлишлари;

Кўр-кўрона оталик ва оналик меҳр-муҳаббатнинг ҳукм суришлилиги ва унинг барқарор аҳамият касб этмаслиги;

Оила даврасида, муҳитида доимий жанжалларнинг қарор топганлиги ва уларни камайтириш учун интилишнинг йўқлиги;

Ота-оналарнинг беқарор ҳис-туйғулари, кайфиятлари уларнинг тартибсиз тасодифий характерга эга бўлишлилиги;

Ота-оналарнинг шахсий қизиқишларининг ўзаро мос тушмаслиги ва тубдан бирига қарама-қаршилиги;

Ота-оналарнинг билим савиялари ва маданий даражаларининг паст эканлиги ва хоказолар.

Оилавий тарбиянинг тўғри йўлга қўйилиши, тартиб-интизом муаммолари унинг ҳуқуқий вазифаларини белгилайди. Бунда, энг муҳими, оиланинг ҳар бир аъзосига ички интизом маданияти, ўз бурчи ва масъулиятини англаши билан бирга, оилавий муносабатларни ҳурмат қила билиши, оиланинг иқтисодий имкониятларини ҳисобга олган ҳолда иш юритиши, оила манфаатдорлигини таъминлашга интилиши, оила шаънини шарафлаши лозим бўлади.

Хориж ва юртимиз психолог ва социологлари томонидан никоҳ-оила муносабатлари бўйича ўтказилган тадқиқотлар орқали шундай хулосага келиш мумкин-ки, инсонларни мажбурлаб бахтли қилиб бўлмайди, лекин мутахассислар томонидан ишлаб чиқилган ва апробациядан ўтказилган психодиагностик методикалар ёрдамида, комплекс ёндашув асосида никоҳ-оила муносабатларини ўрганишни профессионал ташкиллаштириш ва консултиватив кўмак бериш дарз кетган оилавий муносабатларни тузатишга маълум даражада ҳисса қўшишига ишончимиз комил[5:110].

Тадқиқотларнинг гувоҳлик беришича «бахтли оила» ва «фаровон турмуш»ни таъминловчи муҳим жиҳатлар тўғрисидаги ўспиринлар тасавури билан оилалилар тасавури ўртасида кескин фарқ мавжуд. Бу ҳолат айниқса оиланинг маънавий ва моддий ҳаёти тўғрисидаги тасавурларда ёркин намоён бўлади. Никоҳдан кейинги ҳаёт эр-хотиннинг ўз турмуш тарзи ва тажрибалари ёрдамида ўзларининг бахтли оилаларини қуришга ундайди ва бу ижтимоий воқеликни улар реал тушуна бошлайдилар. Бахтли оила масалалари билан шуғулланган етакчи социолог ва психолог олимлар унинг 11 та энг муқим шарт-шароитлари мавжудлигини аниқлаганлар: 1. Эр-хотиннинг ўзаро бир-бирини тушуниши. 2. Алоҳида уй-жойнинг мавжудлиги. 3. Моддий жиҳатдан яхши таъминланганлик. 4. Фарзандлар. 5. Никоҳ мустаҳкамлигига ишонч. 6. Оилада буш вақтни қизиқарли ўтказиш. 7. Ўзига ёққан иш билан таъминланганлик. 8. Маълумотнинг мослиги. 9. Иш жойининг қулайлиги. 10. Яхши дустларнинг мавжудлиги. 11. Эр-хотиннинг эркинлиги.

Уларнинг тадқиқот таҳлилларига кўра, қайси бир оилада ана шундай имкониятлар мавжуд бўлса, у оилани бахтли оила дейиш мумкин, унинг аъзолари эса бахтиёр ва фаровон турмуш кечираётганликларидан дарак беради. Уларнинг тадқиқотларига кўра, яна шу нарса маълум булдики, оилада бахтли ва фаровон турмуш вужудга келиши учун юкорида келтирилган шарт-шароитлар ўз ақамиятига кўра эр билан хотин учун бир хил эмас. Масалан, «эр-хотиннинг бир-бирини тушуниши», «алоҳида уйжойнинг мавжудлиги», «моддий яхши таъминланганлик», «фарзандлар» ва «қизиқарли иш» ақамиятига кўра, эрда бошқача, хотинда эса бошқача баҳоланган. Эр биринчи ва иккинчи ўринга «алоҳида уй-жой билан таъминланганлик» ва «моддий яхши таъминланганлик»ни, кейин бошқаларини қуйса, хотин эса биринчи ва иккинчи ўринга «эр-хотиннинг ўзаро бир-бирини тушуниш», «фарзандлар» ва сунгра эса «алоҳида уй-жой», «моддий яхши таъминланганлик» ҳамда «қизиқарли иш»ни қўяди. Бундан кўриниб турибдики, бахтли ва фаровон оила мазмунини энг муҳим томони ҳаёт ва фаолиятнинг зарур шарт-шароитлари, болалар оила иттифоқи барқарорлигининг муҳим мазмун-моҳиятини ташкил этади.

С.В.Ковалевнинг таъкидлашича, ёшларда оилавий ҳаёт ва турмуш тарзига хос тўғри тасавурлар етарли эмаслиги сабабли турмуш қурганларида оила-никоҳ

муносабатларидан қоникмаслик ҳолатлари кўп учрайди. Шунинг учун ёшлар ўсиб улғаядиган ва ўқиш жойларида уларни оилавий ҳаётга, турмушга тайёрлаш, уларда бахтли оила ва фаровон турмушни таъминлайдиган зарур сифат ва фазилатларни шакллантириш, уларни бўлғуси оила тўғрисидаги романтик, ширин ҳаёллардан, ҳар хил чалғишлардан қутқариш билан боғлиқ тарбиявий шарт-шароитларни яратиш тўғрисидаги қимматли маслаҳатларни илгари суради.

## Хулоса

Оилавий муносабатлар соҳасидаги алоҳида тадбиқий тармоқ – бу ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлашдир. Бу иш бизнинг ўлкамизда ҳам алоҳида аҳамиятга эга бўлиб, янгилик билан эскилик қарама-қарши келаётган шароитда, айниқса муҳимдир. Ўсмирлик ва ўспиринлик йилларда шаклланадиган аттракция ҳодисаси, яъни шахсларнинг бир-бирига эмоционал боғланишлари – дўстлик, севги хисларини тарбиялаш, ана шундай тарбияга шарт-шароитлар яратиш бизнинг Янги Ўзбекистон шароитларимизда янги ва келажаги порлок соҳалардан биридир. Шу ишларни амалга оширишда мактаб психологиялари, педагоглар ижтимоий психологлар ҳамкорликда ишласалар, олинган хулоса ва натижаларни ҳаётга тадбиқ этса бўлади.

## REFERENCES

1. Мирзиёев Ш.М. Миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари. – Тошкент: «Ўзбекистон» НМИУ, 2020. – Б. 157. (- 456 б.)
2. Абдуллаева Р.М., Исломов А. Оила психологияси: психологик тавсиялар ва тестлар. – Тошкент, 2012. Б. 3-4.
3. Антонов А.И. Микросоциология семьи (методология исследования структур и процессов) : учебн. пособие для вузов. – М.: Издательский Дом «Nota Bene», 1998. – 360 с.
4. Голод С. И. Моногамная семья: кризис или эволюция? // Соц.-полит. журнал. – 1995. – № 6. – С. 74–87.
5. Исаева М.А. Оилавий муносабатларни ўрганувчи психологик методикалар таҳлили.// Uchinchi renessans: ilm-fan va ta'lim taraqqiyoti istiqbollari jurnali, 2021. – Б. 109-115. <https://www.oriens.uz>
6. Сарсенбаева Р.М. Оилада иқтисодий таълим-тарбияни шакллантириш йўллари. Замонавий таълим, 2017, №5. – Б. 81-88.
7. [https://elib.buxdu.uz/index.php/pages/ Оила ва тарбия масаласини социологик ўрганиш /13279-2021-06-21-09-38-49](https://elib.buxdu.uz/index.php/pages/Оила_ва_тарбия_масаласини_социологик_ўрганиш_/13279-2021-06-21-09-38-49)
8. [https://parliament.gov.uz/upload/iblock/ Оила — фуқаролик жамиятининг таянчи.pdf](https://parliament.gov.uz/upload/iblock/Оила_—_фуқаролик_жамиятининг_таянчи.pdf)
9. Siddikov, I. (2021). Gender Management Issues In Modern Pedagogy In Educational Institutions.
10. Bakhromovich, S. I. The Phenomenon Of Management And Leadership Personality In The Views Of Oriental Scholars. Chief Editor.
11. Siddikov, I. B. (2021). Modern Models Of Providing Autonomy Of Higher Educational Institutions (Analysis Of Foreign Countries Experience). Current Research Journal Of Pedagogics (2767-3278), 2(05), 25-31.
12. Bakhromovich, S. I. (2021). Development Trends And Transformation Processes In Academic Mobility In Higher Education In Uzbekistan And The World.

13. Bakhromovich, Siddikov Ilyosjon, And Maxamadaliyev Lutfillo. "Development Of Ecological Culture In Students In The Process Of Education Of History Of Uzbekistan. *European Journal of Humanities and Educational Advancements* 2 (5), 103-107
14. Siddikov, I. (2021). *Traditions Of Philosophy, Fiqh And Philosophy In The Theological Views Of The Middle East*. Interconf.
15. Bakhromovich, S. I. (2021). *Factors Of Introduction Of Principles Of Institutional Autonomy To The Management Process Of Higher Educational Institutions*. *Berlin Studies Transnational Journal Of Science And Humanities*, 1(1.5 Pedagogical Sciences).
16. Siddikov, I. (2021). *Epistemological Significance Of Medieval Culture Of Islamic Intellectual Activity*. Interconf.
17. Bakhromovich, S. I. (2021). *Views On The Role Of Science In Human And Society Life In Islamic Teaching*. *International Journal Of Philosophical Studies And Social Sciences*, 1(3), 79-86.
18. Bakhromovich, S. I. (2018). *Social AndPhilisophical Performance Of Making Youth's Intellectual Culture*. *European Science Review*, (7-8).
19. Siddikov, I. (2021). *Epistemological Significance Of Medieval Culture Of Islamic Intellectual Activity*. Interconf.
20. Siddiqov, I. (2022). *Dialectical And Synergetic Features Of The Development Of Theological And Epistemological Views In Medieval Eastern Islam*.
21. Siddiqov, I. B. (2022). *Mutual Synthesis Of Medieval Islam Gnoseology And Theology*.
22. Siddiqov, I. B. (2018). *Social And Philisophical Performance Of Making Youth's Intellectual Culture*. *European Science Review*, (7-8), 296-298.
23. Bakhromovich, S. I. *Social And Physical Performance Of Making Youth's Intellectual Culture*. July–August, 289.